

ҚОНУН ИЖРОСИГА БАФИШЛАНДИ

Олий Мажлис Иқтисодий иттифоқ қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур кўмита раиси М.Умаралиев бошқарган йиғилишда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди. Вилоятда ушбу қонуннинг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмаётгани таъкидланди. Бугунги кунда бу ерда 310 акциядорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Қонуннинг матн ва мазмуни ҳамда моҳиятини бевосита ижрочиларга етказиш борасида кенг қўлама тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришга катта аҳамият берилмоқ-

да. Акциядорлар қонунда белгиланган ҳуқуқларини кун сайин чуқурроқ тушуниб етмоқда. Аксарият акциядорлик жамиятларининг умумий йиғилишлари қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида ўтказилмоқда. Қузатув кенгашлиари ва ижроия орган раҳбарлари ўзларига берилган вазифаларни доирасида фаолият кўрсатмоқда. Айтиш мумкин, акциядор қонунининг ижросини ўз вақтида таъминлаш борасида йил кўйилган баъзи камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Йиғилишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди, қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.


(ЎзА)



- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- «ДЭУ Юнител» компаниясининг Андижон бўлими янги бинога кўчиб ўтди. 2000 йил августидан Андижонда иш бошлаган компания қисқа даврда мижозлар сонини 4000 кишига етказди.
- Республика фонд биржасида ўтган ҳафта давомида 50 акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 380,6 миллион сўмлик 301,5 минг дона акциясини сотиш бўйича 161 битим имзоланди.
- Тошкент давлат иқтисодий университети халқаро иқтисодий алоқалар факультетининг Япония элчихонаси ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ташаббуси билан ахборот маркази очилди.
- Бухоро вилоят ҳокимида «Умид ниҳоллари» республика мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақаларида Бухоро вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилган ёш спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Бош прокуратура ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг Олим Хўжаев маҳалласида 26 июнь - Гиёҳандликка қарши кураш халқаро кунига бағишланган учрашув ўтказди.
- Термизда Европа Иттифоқи «Евро Эйд» дастурининг «Ўзбекистонда қишлоқ иқтисодий тиниқликни ривожлантириш» лойиҳаси бўйича семинар бўлди.
- Бухорода инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш - Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштиришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.
- Ангренга «Оҳангарон» сув омборидан 6,2 километрга катта магистрал сув тармоғи тортиб келинди. «Ўзбекидонер» корпорацияси «трести» қурувчилари бунёд этган ушбу иншоотга вилоят бюджетидан 520 миллион сўм маблағ сарфланди.

САРАТОН

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири.



Саратон чоғи бу – зарра шамол йўқ,
Тутлар қавағида мудрар гурраклар.
Ногоҳон фалакка урган каби дўқ,
Сўзасиз қотиб турар бўйчан тераклар.
Осмон лов-лов ёнар офтоб кўридан,
Уфқда саробдан оташин балдоқ.
Чинқираб юборар куннинг зўридан
Қайгадир беркиниб олган чирилдоқ.
Бирдан тиниб қолар бу бетинч дунё,
Хатто шаршаранинг ўчгандай саси.
Борлик сува тағига чўккандай гўё
Канчаллик термулма – чикмас нафаси.
Гўдақ ўхича ҳам шамол топилмас,
Бутаннинг тағида бўзтўрғай хайрон,
Дехкон тол тағига чўзилди бирпас,
Тинди шохчадаги қушча ҳам бийрон.
Менинг дехкон бобом, андак ором ол,
Кўёш буровига олган палла бу.
Саратон ўзи ҳам мудрайди бехол,
Оҳангсиз алла бу, сўзасиз алла бу!

Хали тонг гўнчаси очмасидан лаб,
Наҳор фароғатин ўйламай тақир,
Кимсасиз далага кўзни уқалаб,
Чикиб келганини кўрдим-ку ахир.
Кўрдим-ку мангайнинг тер билан қотиб,
Бераҳм оташга берганининг тоб.
Кўрдим-ку тепангада ўзин йўқотиб,
Хайратдан лол қотиб қолганин офтоб.
Азму шижоатинг мен ахир кўрдим,
Кўрдим кўзларингда чарқоч бир қулғу.
Майли, ором олгин, эй, бобо юртим,
Саратон жунбушга келган пайт-ку бу.
Бутун олам гўё улкан дошқозон,
Қайдадир – кўринмас унинг нарғи.
Бу қайноқ қозонни қузатмоқ осон,
Ичига тушмоқлик осонмас чоғи.
Чўнтақдан тўкилган тангалар мисол
Шуълалар ўйнайди супа учиде.
Бировдан жиҳлат бўлган қаби тол
Ер чизиб тиради – дами ичиде.



Офтоб қайта бошлар, қўланка майдон,
Яна бош кўтарар номозомгуллар.
Секин мовийлашар қизарган осмон,
Оқариб кўринар қумушранг йўллар.
Яна елканни кўтарар шамол,
Яна чугурчиқлар уйғонар боғда.
Бобо ёнидаги боладай хушқол,
Тўрайлар чарх урар сўнгсиз самода.
Яна ела бошлар оқшом нафаси,
Шеър оми, ишк оми, меҳнат оми бу.
Бу кўёш ўлкасин оташин саси,
Ўзбек диёрининг саратони бу.



Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилган иқтисодий ислохотлар жараёнида ширкатлар ўрнида вужудга келадиган фермер хўжалиқларини сув билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Сувнинг дарёдан далаларга қанчалар ва ариқлар орқали оқиб боришида фермерларнинг ерлари турли ҳолатда жойлашгани сабаб, муаммо ва зиддиятлар келиб чиқишининг олдини олиш лозим. Чунки кинингдир ери сув бўйига яқин, бошқа бировники эса узоқроқда экани сувдан фойдаланишда муаммо келтириб чиқаради. Қолаверса, канал ҳамда ариқларни ишлаш ва таъмирлаш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Сув ресурсларининг нотўғри бошқарилиши унинг исроф бўлишига, экин ерларининг ботқоқлашуви, тупроқнинг шўрланиб бориши ва ҳосилдорликнинг камайишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳўш, бу муаммоларни қандай ҳал қилса бўлади? – Муаммо ечимининг ягона ва тўғри йўли фермерлар ўртасида

сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ)ни тузишдир. СФУни тузишдан мақсад сувдан тўғри фойдаланишни ва уюшма ҳудудидаги ички ирригация тармоқларини техник эксплуатациясини ташкил этишдир, - дейди АКШ

зирлар Махкамасининг қишлоқ хўжалигини реконструкциялаштиришга доир 8-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу реконструкциялаштириш дастурининг бир қисми баъзи туманларда ширкатларни тугатиб, ерни фермерлар оdatда бир гидрологик (гидравлик) тизимда ёки бошқарилмайдонида жойлашган хусусий фермерлар ассоциацияси ҳисобланади. Жон Бакстернинг айтишича, «СФУларнинг бош мақсади ўзи-

нинг ҳудудидаги суғориш ва дренаж тармоқларини самарали бошқариш ҳамда мавжуд сув ресурсларини олтимал фойдаланишдир. Табиийки, СФУ аъзолари бўлган фермерларнинг қандай ҳуқуқлари бор, деган савол туғилади. -Унга аъзо бўлган фермерлар ўз манфаатлари билан боғлиқ масалаларнинг муҳокамасида иштирок этиш, қафолатланган сув лимитига эга бўлиш, агар қўшимча

сув ресурслари мавжуд бўлса - уларни биринчи навбатда олиш каби қўлама ҳуқуқларга эга бўладилар, - дейди дастурнинг яна бир мутахассиси Асрор Назиров. Албатта, сувдан фойдаланишни бошқариш ва келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишда фермерларнинг фаол иштироки зарур. Шунинг учун фермерларнинг аҳоли олий маълумотли ёш иқтисодчи беш ой давомида иқтисод, бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ ўн тўрт йўналиш бўйича билим ва малакасини ошириш. Машгулотларни япониялик ҳамда ўзбекистонлик профессор-ўқитувчилар, етакчи мутахассислар олиб борди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

Вилоят СФУ раиси Б.Бобожонова Янгйўлдор туманидаги барча қишлоқларда, Урганч, Шовот ва Хива туманидаги айрим фермерлар билан ҳамкорликда бу борада катта ишлар олиб бораётганини маълум қилди. Унинг фикрича, Урганч туманидаги Амир Темур ва Хива туманидаги «Мироб» уюшмалари иши анча дуруст ташкил этилган. Ўтказилган семинарларни, унда фермерларнинг фаол иштирокини қузатиб, СФУ деҳқонлар учун суянч бўла олиши мумкин, деб ўйлади. Негаки, иқтисодимиз асосини қишлоқ хўжалиги махсулоти ташкил қилар экан, уни етиштиришда сувдан оқилона фойдаланишнинг ўрни катта. Сув эса ҳаёт манбаидир. Умид БЕКМУХАММАД, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ ОРОЙИШЛАРИ

«СЎҒДИЁНА – МЎЪЖИЗАКОР БОҒ»
Чиндан ҳам шундай. Боғнинг шимол-ий ва жанубий дарвозалари оралиғидаги масофа бир чакириму икки юз қаддам, умумий майдони 16 гектарни ташкил этади. Тасаннолар бўлсинки, табиийлиги, миллийлиги ва замонавийлиги билан йишук экани бирдай мафтун этаётган бетакрор истроҳатгоҳ зоғи билан бир йилда қуриб битказилди. Боғ бағоят иқдорлик билан лойihalаштирилган. Шу боис ташландик ҳолатдаги жарликлар, ўқир-сўқирлар, қаров-сиз қилган даракларнинг барча-барчаси жой-жойида қайта турғилиб гўё. Боғ бир-бири-ни тақрорламайдиган мазмундаги бўлимлардан иборат. Таъбир жоиз бўлса, «Сўғдиёна» бир дoston десак, унинг ҳар боби бетакрор ва бошқалари билан гўзал тарзда уйғунлашиб, яхлит асарни эслатади. Қадимий чайлар, ибтидоий овчиларнинг ўйлари, баҳайбат динозаврлар, филу йўлбарслар миллион-миллион йиллар наридан сўзлайди. Машҳур эрталарнинг қаҳрамонлари сизга рўбарў чиқиб, гап қотқоми бўлади. (Давоми 2-бетда)

ЎЗЛИК

Ўзини ҳурмат қилмаган одам ўзгани ҳурмат қилармиди? Бинобарин, киши ўзининг ким эканини, жамиятдаги, жамоадаги ўрнини англаб етмоғи аҳамиятлрорқдир. Йигирма йилча бурун бир хўжалиқда пахта тайёрлаш режаси боши берк қўлача кириб қолди. Куз ўтиб, қиш бошланди ҳамки, кампания ҳамон авжиде. Бунинг устига икки куннинг биринида мажлис: музлаб ётган хонага (декабрнинг ўрталари) хўжалиқдаги жамики муаллим тўпланди. Раис уларга давлат бераётган катта-катта ойликни роса миннат қилди, дангасалиқда, ишқўмаслиқда ва яна аллақачна бемаъниликларда айблади. -Нега ишламаймиз? - ўшқирди у. -Нега ишламайсиз, ўртоқ домлалар? Режани бажармасак, ким деган одам бўласизлар, зибиллар! Сизни деб мен гап зичтавераманми? (Давоми 2-бетда)

“БИЛЬАКС, ҲАЙҚИРМОҚ КЕРАК...”

Ёзмоқчиман-у... ўйга толаман. Гўё кимдир, бунинг нимасини ёздингиз, ҳозир бундай ҳол ҳар қадамда-ку, даяётгандай. Тўғри, сиз ҳам дуч келгандирсиз, балки шартта юрагингизни ёриб, сўзингизни айтгандирсиз, балки парво қилмай кетгандирсиз. Бу майда-чўйда гап-ку, деган бўлсангиз ҳам ажаб эмас. Менга бу... катта дарддай кўринади. Ва шoirимиз Абдулла Ориповнинг бир мисраси ёдимга тушди: “Бильякс ҳайқирмоқ керак, жим ўтиргандан кўра...” Шу йилнинг 30 май кунини кечкурун “Тошкент” шохбекатидан автобуска чиқдим. “19 РАҚАМЛИ МУЛОҲАЗА” даги “Чаганиён” хиссадорлик жамиятига қарашли автобус. Илгарилари “Чаганиён”нинг автобуслари жуда тартибли, тоза, шофёрлари маданиятга бўлган эди. Денов - Денов-да, дейишарди, одамлар. Бу сафар дилхираликнинг, машаманинг чегараси бўлмади. Ўриндиклар банд. Ва ўртадаги тор йўлак чиптасиз йўловчилар билан тир-банд. Тик турганлар оёқ қўйишга жой тополмай қийналашди. Тор жойда томошани кўринг. Хаммалари йўл ҳақини тўлиқ тўлашган, лекин чипта олишмаган, жой йўқ. (Давоми 2-бетда)

ДАВР

ХИРМОН ТўЛИБ ТўКИЛДИ ДОН
Олтинранг тусга кирган бошоқлар кўзни қувонтиради. Далада “Кейс” гувилайди. Ҳосил мўлличини техниканинг овозидан, унинг секин қорайганидан ҳам билса бўлади. -Яратганининг ўзи бизни сийлади бу йил, - дейди Данғара туман ҳокими Қамолжон Дадабоев. -Ҳосилдорлик кўпчилик ҳайвонларда юқори бўлаётти. Одамларнинг кайфияти банд. Шартномадан ортиқчасини ўзлари олади-да. Ҳозир 8 минг гектар галлазордаги донни йиғиштириб олишда 11 та “Кейс” ва 18 та Россия қомбайнларини унумли ишлатаяпми. Мақсад донни тезроқ йиғиштириб олиш. Дарвоқе, ўзларингиз газетдада ёзибсизлар-ку, агар ўрим беш-ўн кун кечикса, гектар бошига беш-ўн центнердан йўқолади деб. Дехкон қатори бизнинг ҳам исрофгарчиликка тоқатимиз йўқ. (Давоми 3-бетда)

“ОДАМИЙЛИК ЎЛМАСИН...”

Қўшиқ ҳамма даврларда ҳам қишлар руҳини аллайдиган, дилга малҳам бағишловчи маънавий озуқа ҳисобланган. Уларни маромига етказиб ижро қилувчи хофизлар, санъаткорлар эса доимо эл назарида бўлганлар. Сўхбатдошимиз бетакрор овоз соҳибини, Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов ҳам ана шундай назарқарда, балки бодинидаги санъаткор. Биз БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАКИКА СУХБАТ хофизини суҳбатга тортидик. -Маъмуржон ака, анъанамизга мувофиқ, беш рақамга муносабатингизни бешмоқчи эдик. -Биласизми, беш рақамга доир кўпгина ажойиб хотираларни, мулоҳазаларни айтишим мумкин. Ҳафтининг бешинчи кунини ижодий гастролларга чиқиб, муҳлислар кўнглидан жой олганмиз. (Давоми 4-бетда)

ХИҚМАТ

Кимки нафсини шаҳватдан, кўзини ҳаромларга боқибдан сақласа, ботинини доимий муруқоба билан таъмир қилса ва зоҳирини суннат билан безаса, унинг фаросати хато қилмайди. Шох Шужоё КИРМОНИЙ



(Боши 1-бетда)

Пайкал оралаймиз. Қаюмжон ака бир донна бошоқни қўлга олиб эз-гилди. Кейин эримасдан ҳовучи-даги донни санай кетди.

«Хосилдорлик хом чўтимга қара-ганда 60 центнердан юқори чиқа-япти. Дехқонларнинг ҳовлиси бу йил худди ўтган йилгидек галлага тўлади.

Бугдойзорда «Кейс» хайдовчиси Абдусамин Жуманов билан ҳам гу-рунглашдик. Албатта, техникани тўхтатиб эмас, «Кейс» кабинасида.

«Кейс» зўр техника, ишлаб чар-чамайман, - дейди Абдусамин. - Гоҳида овқатланиш ҳам эсдан чи-қиб кетади. Чунки йилда бир ойги-на давом этадиган мавсум-да бу. Бошқа маҳал комбайнни ишлатиб бўлмаса, кантарилган отдек устоа-хонада туради. Шу даврда вақтнинг қадрига етган киши эса барака то-пади.



Утган йил қандай бўлганди? -Зўр. Мукофотга костюм-шим беришганди. 740 гектар майдонда-ги галлани ўриб бергандим-да.

Абдусаминжоннинг дадаси ҳам техникатор эди. Унга бу ота касб. Техникага меҳри бандлиги ҳам шундан, - дея сўхбатга қўшилди

туман МТПси раҳбари Маҳмуджон Азимов. - Аслида инсон доимо ши-рин сўзга эҳтиёж сезади. Э, қойил, астойдил ишладингиз, раҳмат сиз-га денг, илгорларни кўпчилик ўрта-сида мукофотланг. Натижаси дар-ров кўзга ташланади. Масалан, ўтган йил Муродил Дўлताев ва Эркин Аб-дуллаевни қимматбаҳо буюмлар билан тақдирладик, механизаторлар ўртасида уларга раҳмат ҳам айтдик.

дан юқори сифатли пахта хом ашё-си тайёрлашни қўлаб турибди. -Ўйит экиннинг жони, - дейди «Данғаракимётаъминот» идораси раҳбари Нурмуҳаммад Нурматов. - Уни вақтида, меъёрида далага ет-казиб берган дехқон борки ютади. Фалланинг ҳосилдорлиги буни кўрсатиб турибди. Пахта ҳам насиб этса яхши бўлади. Мухими ўйит сарфланишини хар бир дехқону

трипс учрамади. Бу ҳам дехқону фермерга ортикча сарф-харажат-дан қутқарди. Кузатувчиларнинг маслаҳати билан ўргимчаканга қарши беш юз гектар майдонда кимевий ишловлар ўтказилди. Тут парвонаси, кўсак курти каби тур-ли зараркунандаларга қарши ку-рашда ҳам ўтган йил қарий бу я-рем миллион сўмлик иш бўжарил-ди. Буни туманда фаолият



га иморат қуриб, шу ерда томир ота-ялман.

Бундай фикрни данғарадаги кўпгина фермерлардан эшитдик. «Данғаракимётаъминот» идорасидан олинган маълумотларга кўра Нур-муҳаммад Нурматов даромаднинг асосий қисмини саховатли ишларга сарфляпти. 1 миллион 49 миң сўм ишчиларга мукофот тарзида тарқатил-ди. Болалар боғчасига 360 миң, май-манча қишлоқдаги ногиронлар мак-табига 980 миң сўм ва 34-умумтаъ-лим мактабига 350 миң сўмлик ёр-дам кўрсатилди.

«Мазмурий бино хар бир корхона-нинг юзи. Афсуски, мен ишга келга-нимда жамоа бошқа ташкилот бино-сида ижарада туришар экан, - дейди раҳбар. - Шу боис маблағ топиб шу бинони қурдик, жиҳозладик. Шаро-итни яхшилашга, интизом талабини қўлайтирдик. Хизмат кўрсатиш тур-ларини қўлайтириб, сифатини яхши-лашга. Нима ютқуқ эришган бўлса, барининг калити инсофу диёнат, тар-тиб-интизомда.

Нурмуҳаммад ака билан узоқ сўх-батлашдик. У баъзи вилоятларда ай-рим ҳамкасбларининг нопоқликка қўл уриб ўғитни талон-тороқ қилганлик-ларини, охи-р-оқибат жавобгар бўлган-ларини афсус билан таъкидлади. Ак-ли одам ўзи ўтирган ишхонага хиё-нат қилмайди. Тартиб билан астойдил ишланг, ҳаётнинг ўзи сизни боқади, дейди у.

Н.Нурматов Чирчиққа, ўйит келти-риш учун боришини айтди. «Ийит-лардан хабар олай, эрталаб жўнатан-дим. Ёш-да, икки-уч кун ушлабик қолишмасин, ўзим бормасам бўлмас». Унга омад, галларкорларга эса барака тилади. Илгойми, данғаралик дехқон-нинг бу йил хар соҳада юзи ёруғ бўлсин.

Абдунаб АЛИКУЛОВ,
Шараф СУЛТОНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбирлари.

ДАНҒАРА БАҲОДИРЛАРИ

Оқибат улар бу йил тиним билмай ўзаро беллашиб галла ўраяпти.

ЎЙИТ ЭКИННИНГ ЖОНИ, ҚҮВНАТИ

«Очигини айтсам, бу йил ўйит таъминоти ёмон бўлмади. Галлага ўз вақтида минерал ўйит берилди, - дейди «Данғара» ширкат хўжали-гининг ижарачиси Фотима Бегма-това. - Илгари ўйит, деб кўп сар-сон бўлардик. Икки-уч йилдирки, таъминот яхши. Шартномага кўра белгиланган ўғитни вақтида бери-шади. Бундан ташқари туман «Кимётаъми-нот» идораси компос тайёрла-ш, маҳаллий ўйит жамғариш-да ҳам бизга яқиндан кўмак берди. Шу боис 4 гектар-лик галлазо-римнинг хар гектаридан 52 центнердан

ижарачининг ўзи назоратга олган. Пахтанинг ё галланинг минерал озу-қаси бошқа экинларга ўтиб кетмас-лиги туман ҳокимлигининг назора-тида.

ДАРОМАД САХОВАТГА ЙҮЛ ОЧАДИ

«Дехқоннинг кўнглига йўл то-пинг, у сиздан ҳеч нарса ни аямай-ди. Хизматга яраша пул ҳам тўлай-ди, раҳмат ҳам айтди».

Бу Нурмуҳам-мад аканинг фал-сафаси. Мулоха-зада нечоғлик ҳақиқат бор, буни қўйидаги рақамлардан ҳам билса бўлади. «Данғаракимё-таъминот» идора-си томонидан кейинги уч йил ичида катта иш-лар қилинди. Тўпроқ таркиби-ни ўрганган ҳолда ўйит ишла-тиш, бирмунча қиммат бўлган маъданли озуқа ўрнини маҳаллий ўғитлар билан қоплаш тизимига ўтиш ўзининг иж-обий самарасини бераёпти. Бундан ташқари гўза зараркунандаларига қўлқаришади. Қолаверса, дала-сидан кўнгли тўқ дехқон бой бўлади. Шу ерни олиб фермер бўлган, тўртта трактор ва битта «Дамас» автома-шини олдим. Пайкалнинг боши-



бўлишим мумкин. Аксинча, пули олиндиндан тўлаб мутахассисларга су-аянсам, улар шартномадаги ишни бажариб, мени ортикча ташвишдан қутқаришади. Қолаверса, дала-сидан кўнгли тўқ дехқон бой бўлади. Шу ерни олиб фермер бўлган, тўртта трактор ва битта «Дамас» автома-шини олдим. Пайкалнинг боши-

Хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, фермерлар ва фуқаролар диққатига!
«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси таркибидagi Кўкон шаҳар масъулияти чекланган жамият шаклидаги

EFFECTIV OIL
хорижий корхонаси чекланмаган миқдорда

МЕВА УРУҒИ ВА ДАНАКларини СОТИБ ОЛАДИ

Бу хайрли ишларингиз билан мустақил республикамиз ҳалқига шифобахш дори-дармон ёғларни тайёрлаш, уларни ўз хиссаларингизни қўшган бўласизлар. Турли хилдаги уруғ ва данакларнинг сотиб олиниш тартиби ва нархлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда 8 (371-2) 98-68-52; 98-68-53
Кўконда 8 (373-55) 3-61-28; 2-13-83

Манзил: 713000, Фарғона вилояти, Кўкон шаҳри, Усто-бозор кўчаси, 94-уй.

СУҒУРТА КАФОЛАТИ

Бозор тўносабатлари суғурта тизимига оид масалаларни ҳам қайта кўриб чиқишни талаб эт-моқда.

Утган йиллар мوبайнда республикамизда иқтисодийнинг турли баҳолари қатори-да суғурта бозори иштирокчи-ларининг ҳам тўлақонли фа-олият юритишни учун қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Суғурта жамиятининг иқтисо-дий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. У фавқулодда ҳодисалар тўғрисида бўй бер-адиган ресурсларни қайта тек-ти-лашнинг энг самарали йўли хисобланади. Мол-мулк ва жавобгар-лик суғуртаси — су-ғурта тизимининг асосий қисми бўлиши шунингдек, зарурий йўриқномалар ишлаб чиқиб орқали суғурталовчи шахс томонидан йўқотилиши мум-кин бўлган мол-мулкни қайта тиклаш ёки нотўғри ҳатти-харакатлар оқибатида юзага келадиган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган ўзига хос жамғармадир. У хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро мувоzanати сақловчи, бирор кўнглисиз ҳодиса тўғрисида катта зарар қўриши ёки бутун-лай банкротга ўраши олдиди олиш учун бошқа хўжалик субъектлари томонидан тўлан-ган суғурта бадалларидан фой-даланиш билан бирга молия-вий мадд бериш вазифасини-хам бажаради. Суғурта ташки-лотлари ва нодавлат нафақа жамғармаларининг вақтинча

ДАВР

хўжалик субъектларига қўйи-ладиган иқтисодий талаблар-ни белгилайди.

Узаро тўносабатларни қайта тартибга солишчи қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, жамият ёки унинг алоҳида табақалари ва-киллари манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда суғурта-нинг мажбурий турларини белгилаш, тармоқ компания-лари фаолиятини рағбатлан-тириш учун уларга турли им-тиёзлар бериш ва бошқа ва-зифалар бу соҳада давлат на-зоратини йўлга қўйишнинг асослари ҳисобланади.

Д. ҚАРШИЕВ,
Х. НИҒМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодий университети магистрантлари.



БУШ МУШАРРАФДАН МИННАТДОР

АҚШ президенти Жорж Буш Кэмп-Дэвиддаги қарор-гоҳида бўлиб ўтган матбуот анжумани якунида Покистон раҳбари Первез Мушаррафга терроризмга қарши кураш-да кўрсатилган ёрдамлари учун ташаккур билдирди.

Бунинг биринчи исботи сифатида генерал Мушарраф Жанубий Осиё давлатлари раҳбарлари ичида би-ринчи бўлиб Кэмп-Дэвидда қабул қилинган бўлса, иккинчи белгиси Ва-шингтон Исломобоғда 5 йил давоми-да 3 миллиард доллар беришини билдирганлигидир. Бушнинг эътироф этишича, 2001 йил 11 сентябр воқеа-лардан буён Покистон ҳукумати гар-чи маҳаллий аҳолисининг маълум қисми норози бўлса-да, терроризмга қарши курашда АҚШ билан яқиндан ҳамкорлик қилди ва 500 дан ортик «Ал-Қоида», Талибан жангариларини ҳибсга олди. Унинг ушбу фикрларига жавобан Покистон президенти бин Лоден ва унинг тарафдорларини ушлашда барча имкониятлардан фойдаланишга ваъда берди.

ХАМАС МУРОСАГА КЕЛИШИ МУМКИН

Исроил Кунесетининг халқор масалалар ва мудо-фаа кўмитаси вакиллари билан ўрашув чоғида Мос-сад махсус хизмати вакили ХАМАС ташкилотини исро-илликларга қарши ҳужумларни тўхтатишга розилик билдираётганлигини айтди.

Унинг билдиришича, ҳали бу борада расмий равишда келишувга эришилгани йўқ, бироқ ХАМАС вакиллари билан му-зокаралар давом этмоқда. Қоҳирада чи-қиш қилган Миср ташқи ишлар вазири Ахмад Муҳир эса ақин вақтларда ХАМАС террор ақтларини тўхтатиши мумкинли-гини, бунинг учун Исроил унинг жанга-риларига қарши қаратилган ҳаракатларига чек қўймоғи ке-раклигини айтган.

Кеча эса Фазо секторидagi Гуш-Катиф аҳоли пунктида фа-ластинлик жангарилар исроилликлар ишлов ҳудудини «Қассам» ракетаси ҳужумига йўлқўрилган. Маълум бўлишича, бир киши жароҳатланган, деи хабар беради «Рейтер» агентлиги.

АСКАРЛАР ҲАЛОК БЎЛИШДИ

Ироқнинг нефт пойтахти саналган Басра шаҳри ши-молидаги ал-Амара аҳоли пунктида Британия ҳарбий полициячиларига ироқ партизанлари томонидан ҳужум қилиниши вақтида 6 нафар инглиз аскар, душман томондан эса 3 киши ҳалок бўлган.

Британия мудофаа вазири Жеф Хунинг билдиришича, ҳалок бўлган ҳарбийлар маҳал-лий полициячиларни тайёрлаш билан шуғул-ланиб келган эдилар. Бошқа бир ҳужум вақти-да эса 8 нафар британ аскар жароҳатланган. Яраланганларнинг барчаси 1-хаво десантчила-ри бригадаси аскарлари бўлиб, айнан шу ба-талон Басра шаҳрини эгаллашда асосий рол ўйнаган эди. Маълум бўлишича, пистирмага ўраган патрул хизматига ёрдам бериш мақсадида ҳаво де-сантчилари тушган вертолёт воқеа жойига етиб борганда, қуролли кишилар вертолётга ҳужум қилганлар.

ТЕРРОРЧИЛАР САУДИЯГА БЕРИЛМОҚДА

Эрон ҳукумати ўз қамқоқоналарида сақланаётган «Ал-Қоида» ташкилотининг саудиялик фаолларини Саудия Арабистони ихтиёрига берилишини билдирди.

Саудия ҳукумати Эррондан Ар-Риёд-даги террор ақтларида гўмон этилаётган ўз фуқароларини берилишини қўлдан бўён сураб келаятган эди. Ушбу ҳафтада эса Эрон қамқоқоналарида сақланаётган жангариларнинг кўпчилигининг исм-ша-рифлари аниқлаштирилган. «Биз махсус орасида Саудия фуқаролари бери-лигини аниқлаштирдик ва биз уларни Ар-Риёд ихтиёрига топ-ширамиз. Лекин, улар Ар-Риёддаги террор ақтларида алоқа-дор эмаслар. Боис, улар террор ақтларидан аввал ҳибсга олиналганлар», дея айтган Эрон ташқи ишлар вазири масла-хатчиси Сабоҳ Закони.

МОСКВА – ЛОНДОН: ҚАРАШЛАР УМУМИЙ

Давлат ташқи билиан Буюк Британия киролигида турган Россия Федерацияси президенти Влади-мир Путиннинг сафари эртага ниҳоясига етади.

Россия ҳукуматининг 1847 йилдан буён Буюк Британияга бирин-чи давлат ташрифи, дея айтилаётган киролча Елизавета II билан ўраш-ган Владимир Путин Ироқда ҳалок бўлган инглиз аскарлари учун ҳам-дардлик билдирди. Кеча эса у Шот-ландия сибсатдонлари ва давлат арбоблари олдига нутқ сўзлаган бўлса, бугун президент Путин бош вазир Тони Блэр билан ўрашади. Икки раҳбар ўртасидаги музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорлик, Ироқ, Яқин Шарқ ҳамда Эрон масалалари муҳоама этилиши кутилмоқда.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

Республика
Акционерлик-тижорат
«Фаллабанк» и
мамлакатимизда галла
мавсуми муносабати билан
«Олтин бошоқ»
муддатли омонат турини
таклиф этади.

✓ «Олтин бошоқ» омонат тури бўйича бери-ладиган фоиз йиллик 48 фоиз миқдорда белгила-нади. Омонатни сақлаш муддати тугагач тўлаб берилади.

✓ Омонат турига маблағлар 100 кун мўд-дат давомида сақлаш шarti билан 2003 йил 15 июндан 28 июнгача қабул қилинади.

✓ Фоизлар белгиланган муддатда омонат-чига тўлиқ тўлаб борилиши кафолатланади.

Манзилмиз: Андижон шаҳри,
Фитрат кўчаси, 239-уй.

☎ : 22-23-69, 22-31-04.

Акционерлик-тижорат «Фаллабанк» Андижон минтақавий филиали.

ЖАЙХУНДАН КУЧ-ҚУДРАТ ОЛИБ...

Сурхондарёнинг кўп жойида «Амударёнинг сувини ичганими-сиз?» деган гап бор. Жайхун эл қадамдан азиз билган. Унинг су-видан ичган кишилар дунёнинг катта баракасини топади, деб ан-глашган...

Менгнор ОЛЛОМУРДОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ГАМХҲҮРЛИК

Чотқўпир кишлоғида хайрли ишга қўл урилди. Анча вақтдан бери фойдаланилмай келган Амир Темур номи фермерлар уюшмасига қарашли клуб биноси спортсавар кишлоқ ёшлари ихтиёрига топширилди.

КЛУБ ЁШЛАР ИХТИЁРИДАМИ?

Биз спортнинг миллий кураш, каратэ, волейбол сингари турлари бўйича тўғарақлар очиб, унга мактаб ёшлари ўқувчиларини, ундан каттароқ ёшдаги йигит-қизларни жалб этдик. Етмиш нафари кураш, эликдан ортиги эса каратэ билан шуғулланишмоқда, дейди кишлоқ фуқаролар йиғини қосидаги спорт кўмитаси раҳбари Сафарбой Оллаберганов.

Дарҳақиқат, Чотқўпирда спортни ривожлантиришга жиддий киришилган. Шу боис маҳалла ўсмирларининг кизиқишлари алоҳида эътиборга олинган. Жумладан, "Дўстлик" ва "Гардонлар" маҳалласида футболга кизиқадиган ёшлар кўпчилиги учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Махсус ўйин майдони, футбол бўйича қокори тажрибага эга устозлар жалб этилган. Ташаббуснинг қувончи ва ибратли томони шундаки, кишлоқ маҳаллаларида спортчи ёшлар ўртасида тез-тез мусобақалар ўтказилиб турилади. Апрель ойида буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 667 йил бўлиши муносабати билан 5 та маҳалла ўртасида волейбол мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 10 га яқин болалар ва ўсмирлар жамоалари иштирок этди. Кескин ва муросасиз ўтган курашларда "Усталар" маҳалласи - биринчи, "Даргалар" маҳалласи иккинчи, "Дўстлик" маҳалла жамоаси эса учинчи ўринга эга бўлдилар. Ғолибларга кишлоқ фуқаролар йиғини томонидан фахрий ёрлик ва қўмнатбаҳо совғалар тантанали равишда топширилди.

Болалар спортини ривожлантириш Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан муҳим вазифа қилиб қўйилган бир даврда кишлоқ ёшлари ўртасида бундай тадбирларнинг ўтказилиши мақтовга лойиқ ишдир.

А.РАҲИМОВ, Урганч тумани.

"ОДАМИЙЛИК ЎЛМАСИН..."

(Боши 1-бетда) Мактабда, институтда фақат "беш" баҳога ўқиш учун ҳаракат қилганман. Умуман, бу рақам менинг ҳаётимда унутилмас, ёрқин хотиралар қолдирган.

-Инсондаги қайси фазилатни улуглайсиз? -Одамийликни. Инсон шаъни юксак қадрланган жойда ўзаро меҳр, садоқат, муҳаббат ришталари мустаҳкамланиб бораверади. Санъаткор учун эса энг муҳими халқ назари олий унвон экан. Айниқса, санъат соҳасида хизмат қўрсатиш осон эмас. Агар сизда қобилият, шәр ва қўшиқча меҳр бўлмаса, камол топиш мушкул кечади.

-Ижодий фаолиятингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

-1974 йили ўрта мактабни тамомлаб Кўкон автотехникумига ўқишга кирдим. Ҳарбий хизматдан сўнг Тошкент Маданият институтининг халқ мусикаси факультетида тахсил олдим. Олтириқ маданият уйда "Зилола" ашула ва халқ дастасида фаолиятимни бошладим. Устозлардан Раҳматжон Турсунов, Тўлқин Тошматов, Тўлқин Эргашев, Иқромжон Бурунов каби етук санъаткорлар менга санъат сирларини ўргатди.

-Сизни "Бобур" видеофильми катта саҳнага, элга танитди, шундай эмасми?

-Тўғри. Ижодкорни халқ назари тарбиялайди. Агар ўзимга келсам шох Бобурнинг газалларидаги руҳ мени қўллади. Қолаверса, буюк шоирнинг "Бобур" видеофильми ижодкорлари, режиссёр Мақсуд Юнусов тиниб-тинимаслиги, Фаттох Хотамов талабчилигининг самараси бўлди бу.

-Сизнингча, қўшиқчиликда шәрнинг маъноси кучли бўлиши шартми?

-Истеъдоднинг юзага чиқиши, эл назарига тушиши дегани эмас. Шәр матнининг қудратини намойиш этиши, санъаткорлар чекида. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг "Биринчи муҳаббатим" шәрини кимлар қўшиқ қилиб кўйламаган дейсиз. Ҳақиқий санъаткорнинг муваффақияти "дард"ни бошқаларга ҳам кўчира олишида, деб ўйлайман.

-Устоз ва шоғирдлик муносабатлари ҳақида ҳам икки оғиз тўхталсангиз.

"Водий бўбули" деб ном олган марҳум устоз Таваккал Кодировда чинакам устозларга хос бағрикенгликни, одамийликни кўрганман. Устоз катта давраларда ҳам, ҳеч қачон шоғирдларини четда қолдирмасди. Шоғирдларимга келсак, устозим дея тан олганларга устозман.

-Оилангиз ҳақидаги маълумотлар кўпчилик муҳлисларингизни қизиқтириш шубҳасиз.

-Отам қирқ йилдан ортққ ўқитувчилик қилганлар, онам отамнинг тоғанларини тежаб-тергаб рўзгор юрттайдиган оқила аёл бўлганлар. Хар иккаларини ҳам Аллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Олти фарзанд ичида ягона ўғилман. Уч ўғил, икки қизинг отаси, бир невараман.



нинг бобосиман. Келиноингиз уй бекаси.

-Газетамиз муҳлисларига тилакларингиз?

-Кишлоқ фарзанди бўлганим учун унинг қайноқ ҳаёти, содда ва оддий, меҳр-оқибатли инсонлар ичида бўлганимдан мамнунман. Уларнинг дастурхони тўла, бут ва соғ-саломат бўлсин. Биз санъат аҳли яхши ва қувончи шодий-наларидеда хизматда бўлайлик. Хар вақт фақат телевидение ёки радио эмас, кундалик ҳаётимизга ҳамфикр бўлишимиз "Кишлоқ ҳаёти" орқали дийдорлашимиз насиб этаверсин.

Сухбатдош: Мухтор СУЛАЙМОНОВ

УЛКАН САҲНАГА АЙЛАНАДИ

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивали бошлангичга оз фурсат қолмоқда.

Кўхна Самарқанд бир ҳафта давомидан - 25-30 август кунлари Шарқ мусика санъатининг ноёб намуналари янграйдиган улкан саҳнага айланади. Мазкур ну-


фузли тадбир маданиятимизни чуқур ўрганиши ва юксалтириши, миллий санъатни жаҳон миқёсда тарғиб этишга, ёшларимизни бой ўтмиш аънаёлари руҳи-

даният-санъат арбоблари ташриф буюриши кутилмоқда.


Самарқандда тўртинчи бор ўтказиладиган фестивалга айни пайтда кизинг хозирлик ишлари бўлиб юборилган. Кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган Регистон майдони, "Ешлик", "Сўғдиёна" истироҳат боғлари, "Муъжи-

ТАНТАНА

Кизинг хозирлик ишлари бўлиб юборилган. Кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган Регистон майдони, "Ешлик", "Сўғдиёна" истироҳат боғлари, "Муъжи-



Кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, фермер Ориф Шаропов пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани "Ялан-ғоч" маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда "Биолак" саломатлик клубини ташкил этди. Хозир бу спорт маскани кизиқувчан, спортга ташна ёшлар билан гавжум. СУРАТЛАРДА: "Биолак" клуби ҳамма спортсавар ёшлар билан гавжум. Алексей ПОПОВ олган суратлар.



Алексей ПОПОВ олган суратлар.

БОЛАЛАР СПОРТИ

ширкат хўжаликлари, "Богёл" фермер хўжаликлари уюшмасида футбол, кураш майдончалари, стол тенниси, шохмат-шашка заллари бўлган спорт мажмуаларини қуриш жадал олиб борилмоқда. Яқинда Бўстон шаҳрида йирик сузиш ҳавзаси ишга тушади. Биз келажакимиз эгалари бўлиши болаларимизнинг спорт билан ҳақиқий маънода шуғулланишлари учун қўлимиздан келган барча ишларни адо этамиз.

...Хуллас, болалар спортга эътибор қаратишда Қорақалпоғистонда ўзига хос туб бурилкилар бўлаётгани кўзга ташланиб қолди. Бу бордада Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамағатлари Қорақалпоғистон бўлими филиалининг директори, тўрт қарра Тай-бокс бўйича жаҳон чемпиони Еркинбой Қутибоевнинг ташаббускорлиги, етук мутахассис сифатида иш олиб бориши ҳам маълум маънода сабаб бўлаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Нукус шаҳрида "Олимпия заҳиралари" коллежи, йирик спорт зали қурилиши жадал давом этаётгани Орёлбўйда болалар спорти кескин ривожланишидан дарак беради. Кўп қаватли бинолар атрофларидаги ташландик ерлар ободонлаштирилиб, ихчамгина спорт майдончалари вужудга келтирилганлиги ҳам таҳсинга лойиқдир. Бундай кенг ҳажмдаги ишларни олиб боришда ҳомийлар, айниқса, "Қорақалпоқавтотўй", "Қорақалпоқ-транс", "Қорақалпоқбунётомтери", "Қорақалпоқпахтасаноати", "Қорақалпоқ-шаробсавдо". Нукус вино заводи сингари бир неча ўнлаб ташкилотлар бераётган бегараз қўмақлари салмоқли бўлмоқда.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Кишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Ота-боболаримиз фарзандлар тарбиясига азал-азалдан гоят эътиборли бўлишган. Шу боис Президентимиз И.Каримовнинг соғлом авлодни вояга етказиш гоясини халқимиз қизгин қўллаб-қувватлади. Болаларни жисмоний тарбия ва спортга яқиндан ошно қилиш биз катталар зиммасига масъулиятли вазифа бўлади. Шунинг учун "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт ўйинлари қисқа фурсатда оммавийлашди.



Айниқса, Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамағатлари ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори болалар спортини янада ривожлантириш, оммавийлаштириш учун кенг йўл очди. Қорақалпоғистонда ҳам ана шу қарорнинг бажарилиши юзасидан хайрли ишлар бошланди. Улардан баъзилари хозирданок ўз самарасини бермоқда. Туман ва шаҳарларда бўлган мизода спортга бўлган эътибор яққол кўзга ташланди.

Хўжайли шаҳридаги 4-маҳаллада болалар спортини ривожлантиришнинг жонқурлари сафи кенгаймоқда. Бу ерда кичик-кичик спорт иншоотлари хашар йўли билан бунёд этилмоқда. Хайрли ишларга маҳалла оқсоқоли, спорт устаси Бозорбой Султонов бошқош экан. Биз у кишини футбол майдончасида учратиш сўхбатлашдик.

-Маҳалламизда истикомат қилувчи-

САМАРАДОРЛИК

Бундай ижобий тадбирлар Эллиқкаля туманида ҳам изчил бошланди.

-Вазирилар Маҳкамасининг ўтган йилги 31 октябрдаги қароридан кейин 37 жойда болалар спорт майдончаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга киришдик, - дейди туман ҳокими ўринбосари Саидхамд Аевзов. - 3 та спорт зали, 10 та футбол, 20 та волейбол, 9 та баскетбол, 7 та мини-футбол, 3 та қўл тўпи майдончалари қайта таъмирланди. Амиробод овулида эса 5 минг ўринли ўйингоҳ ва спорт майдон хашар йўли билан қурилиб фойдаланишга топширилди. "Сорибий", "Тоза Амиробод", "Қирққизобод", ал-Хоразмий номли

Advertisement for "Asaka" bank and "UzDAEWOO" company. It features images of cars and text promoting car financing and leasing services. The text includes: "Asaka" banki, "UzDAEWOO" kompaniyasi bilan birgalikda avtomobillarни 2003 йил 1 августгача КРЕДИТГА сотишни давом эттирмақда, Шошинг!, Автомобиллар Сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда, Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи эса йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда 2 йил давомиде тўланади, Автомобиллар ҳақураги ўз орзуингизни рўёбга чиқаринг!, Кредит таъминоти учун гаровга қўйилган автомобилларни "Ўзгросугурта" давлат акциядорлик сугурта компанияси турли қалтисликлардан қўлай тариф ставкаларида сугурта қилади, ТЕЛЕФОНЛАР: 133-34-78; 133-31-32, Тўлиқ маълумотлар олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун "ЎзДЭУавто" компаниясининг худудлардаги расмий дилерларига мурожаат этинг.

SPORT OLAMIDA

тўпларни "Цементчи"дан Акбаров, Мамажонов, "Пахтакор"дан Солиев, Қосимовлар йўллашга муваффақ бўлишди. Турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди. "Андижон" - "Насаф" 1:1, "Сурхон" - "Дўстлик" 1:0, "Кўкон-1912" - "Бухоро" 1:0, "Самарқанд-Динамо" - "Навбахор" 1:3, "Машъал" - "Кизилкум" 1:3, "Гулистон" - "Металлург" 3:2. Финал босқичи давра баҳслари якунланишига биттагина тур қолганда турнир жадалларида "Нефчи", "Пахтакор", "Кизилкум" жамоалари 1, 2, 3-ўринларда боришмоқда. Жадалнинг қуйи поғонасини эса "Цементчи" ҳамда "Кўкон-1912" жамоалари эгаллаб туришди. "Нефчи" жамоасининг мохир футболчиларидан бири Анвар Бердиев 17 та гол муаллифи сифатида жорий йилги мавсумда тўпурарлик қилмоқда.

СУЗУВЧИ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ

Пойтахтимизда синхрон сузиш бўйича "Соғлом авлод учун" жамағатлари турнири ўтказилди. Республика миқёсда ташкилланган мусобақада фақатгина Тошкент шаҳри ҳамда Сирдарё вилояти сузувчилари иштирок этди. Муросасиз баҳслар якунида пойтахтликлар биринчи ўринни эгаллашди ва мутасаддиқлар томонидан таъсис этилган совринларга эга бўлишди.

ЭРОНГА БОРИШАДИ

"Жар" спорт мажмуиде ёшлар ўртасида кураш бўйича мамлакат биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган ёш кескин кураш олимлари иштирок қилди. Муросасиз баҳслар якунида ғолиблар аниқланди. Ўз ваэнлари тоифасида ғолиб бўлган ёш полвонларимиз Эронда ўтайдиган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади-диган бўлишди.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг ишчи гуруҳи аъзоси Шўхрат Каримовга волида муҳтарамаси ХАЛИМА ОНАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Footer containing contact information for the newspaper, including phone numbers, addresses, and subscription rates. It includes fields for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ', 'ТАХРИР ҲАЙЪАТИ', 'МУАССИСЛАР', 'ТЕЛЕФОНЛАР', 'ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ', 'РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ', 'МАНЗИЛИМИЗ', and 'РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР МАТНИ УЧУН БУОРТМАЧИ ЖАВОБГАР'.